



ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА УМУМКАСБИЙ ВА МАХСУС ФАНЛАР ДАРСЛИГИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Эсанбай Омонмуратович Бабаев

Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби директори

Латипов Зоҳиржон Тохирович

Сирдарё вилояти Ховос туман 1-сон касб-хунар мактаби директори

Меликов Адхам Курбонович

Сирдарё вилояти Ховос туман 1-сон касб-хунар мактаби

Молия иктисод ишлари бўйича директор уринбосари

Кузибаев Санжар Маманович

Сирдарё вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш

худудий бошқармаси Бўлим бошлиғи

Аннотация: Мақолада профессионал таълим бўйича дастур ва дарсликлар яратиш борасида фикрлар юритилган шу муносабат билан ҳозирги вақтда пайдо бўлган янги талабларга мос келадиган умумкасбий ва махсус фанлар бўйича дарсликлар яратиш давр тақозосидир. Мақолада ҳозирги кундаги долзарб мавзу ҳақида сўз юритилган.

Таянч Сўзлар: Дастур, дарслик, илм-фан, касбий, умумкасбий, махсус, ўқув адабиёти, касб-хунар, билим, ўқувчи, ёшлар.

Ҳозирги кунда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади замонавий талабларга жавоб берадиган, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга қаратилган. Айниқса кейинги йилларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар юртимизда ушбу соҳани изчиллик билан ривожлантириш ва такомиллашувини амалга ошириш учун Президентимизни 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5812-сонли Фармони профессионал таълим тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган, айти пайтдаги энг муҳим ислохотларни амалга ошириш шартларининг асосийларидан бири, ёшларни 2-3 хил ихтисосликлар бўйича ўқитиш хисобланиб, бу хол уларни ижтимоий химоялашни ва меҳнат бозорида кафолатланган, рақобатга қодир мутахассис бўлиб етилишини таъминлайди.

Шунинг учун ҳам касб-хунар мактабида янги меҳнат мазмунига ва янги касбларга эга интеграциялашган мутахассисларни тайёрлаш бошланди. Бундай мутахассислар, ягона технологик жараён билан боғлиқ бўлган ишлар мажмуасини бажара олади.



Кичик мутахассисни тайёрлаш ўқув режаси кўп предметлилиги билан мураккаблашган бўлиб, бу эса, ўз навбатида, интеграциялашган курслар, предметлар ҳамда янги структура ва мазмунга эга бўлган дарсликлар яратишни талаб қилади.

Дарслик-бу предмет бўйича илмий билимларни ўз ичига қамраб олган китоб бўлиб, ахборотнинг муҳим манбаи, таълим мазмунининг энг обрўли ташувчиси, ўқув дастурини изоҳловчи ҳисобланади.

Дарсликлар муаллифлари рўёбга чиқариши лозим бўлган муҳим вазифалардан бири, баён қилинувчи масалаларни мамлакатнинг ечилиши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммолари билан боғлаш, илғор фан, техника ва технологияларнинг ҳалқ хўжалигини тезкор ривожлантиришда прогрессив ролини очиб беришдир.

Дарсликлар, ёшларимизни тайёрланган касблари бўйича ишларни техник жиҳатидан саводли ва юқори сифатли қилиб бажаришни ўргатишга, уларда миллий истиқлол ғоясини, ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришга, юксак маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик сифатларини тарбиялашга, меҳнатга онгли муносабатда бўлишга ўргатишлари зарур. Дарсликларга илм-фан ва техниканинг янги ахборотларини, тушунчаларни шакллантиришнинг самарали усулларини ва мустақил фикрлаш учун топшириқларни киритиш уларни ўқув жараёнига тез жорий қилинишини таъминлайди. Дарсликнинг матнидан келиб чиққан ҳолда ўқув-кўргазмалари ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиб дарс ўтиш имконияти бўлиши лозим.

Дарсликнинг ахборот функцияси муҳим ҳисобланиб, ўқувчиларнинг билиш қобилиятларига мос равишда баён қилинган фан, техника, ишлаб чиқариш, маданиятнинг аниқ соҳаларидаги ўзлаштириш учун мажбурий, маълум бир билимлар ҳажмини ўз ичига қамраб олади.

Ахборот функциясини амалга ошириш учун, назария, техника, технология ва меҳнатнинг илғор усуллари, физик-техникавий жарёнлар тушунчасининг асосий моҳияти бўйича замон талаби даражасидаги ўқув материаллини ёритиш лозим. Иккиламчи материал бўлмаслиги керак. Мазкур ишлаб чиқариш соҳасидаги кооперация ва меҳнатни тақсимлаш шаклларига мос материаллар бериши билан бирга, соҳани ривожлантириш истиқболлини ҳисобга олиш, ҳаракатдаги стандартлар ва нормативларга, белгиланган илмий-техник атамаларга, СИ бирликлар тизимига қаътий риоя қилиш зарур.

Илмий-техник билимларни баён қилувчи дарсликда, предметларро алоқалар тизими, илмий ва техникавий соҳалар ўртасидаги дидактик эквивалент ҳамда мустақил билишни ва мантикий тафаккурни ривожлантирувчи муҳим элемент сифатида кўрсатилиши керак. Мазкур предмет бўйича ўқув материал, умумтаълим, умумтехник ва махсус предметлар бўйича ўқув материаллари тизимида битта звено сифатида намоён бўлади. Касб-хунар таълим учун мўлжалланган дарсликда, айниқса,



предметларро алоқаларга қўйилган талаблар аниқдур. Чунки касб-хунар мактабида, ягона ўқув режаси доирасида умумтаълим ва махсус цикллар ўзаро ҳамкорликдадир.

Дарсликнинг мотивацион функцияси, ўқувчиларда қизиқувчанлик хиссини, билимга ва илмий-техник китобга қизиқишни тарбиялашга кўмаклашади.

Дарсликнинг политехник функцияси, ўқув материали ўқувчиларни, аниқ ўрганилаётган соҳа мисолида барча ишлаб чиқаришларнинг илмий тамойиллари моҳиятини тушунишга олиб келганда амалга ошади. Ушбу функцияни амалга ошириш, назарияни мамлакатимзда ривожланган демократик жамиятни қуриш амалиёти билан алоқадорлиги кўрсатиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишда билимлар ҳамда фаолият усулларининг, хомашё, материаллар ва ёнилғи-энергетик ресурсларнинг роли билан яқиндан боғлиқдир. Бундай талаблар касб-хунар таълими тизими учун муҳим аҳамият касб этади. Дарсликнинг мазмуни, билимларни амалиётда, саноат, қишлоқ хўжалигида, транспортда, алоқада, хизмат кўрсатишда ва бошқаларда жорий қилиш билан тизимли боғланган бўлиши даркор.

Дарсликнинг касб танлашга йўналтирувчи функцияси муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ўқув материали ўқувчиларга касб-хунар фаолиятини, ушбу предметни ўқитиш мазмуни билан боғлиқ аспектларини тушунтириши лозим.

Дарслик мустақил таълим олиш имкониятини ҳам беради, чунки, у, мос равишда танлаб олинган ва таркибий жиҳатдан тартибли тузилган ўқув ахборотларининг мустақил мухтор манбаидир. Мустақил таълим олиш имконияти муҳим ижтимоий вазифани бажаришга, яъни малакали кичик мутахассисларни узлуксиз таълим олиши имкониятини таъминлашга кўмаклашади.

Дарсликнинг юқорида келтирилган функциялари бир-биридан ажралган холда эмас, балки ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган сифатда кўрилиши керак.

Дарслик ўзи қанақа бўлиши керак? Бу савол, албатта, оддий савол эмас. Унга жавоб бериш учун қуйдагиларни аниқлаб олиш муҳимдир: дарсликка қандай мазмун киритилиши керак; ўқув материални илмий ва шу билан бирга осон тушунадиган қилиб баён этилишини қандай таъминлаш керак; унда баён этиладиган материаллар қандай кема-кетликда ёзилиши керак; иллюстрацияларни қўшимча билим манбаи сифатида моҳиятини қандай кучайтириш мумкин; дарсликка қайси турдаги дидактик элементлар киритилиши зарур.

Ушбу саволларнинг барчасига битта дарслик китобида жавоблар бериш учун (агар буни амалга ошириш бўлса), кунда тайёрланаётган кичик мутахассисга зарур бўлган билим ва кўникмаларнинг мақбул даражасиқандайлигини тушуниб этишимиз керак. Бу, жавоб беришимиз зарур бўлган саволларнинг асосийларидан бири ҳисобланади. Албатта, битта дарслик китобида барча масалаларни қамраб олиш имконияти йўқ, лекин қамраб олинганларини лўнда ва тушунарли қилиб баён этиш зарур.



Ўқув адабиётини ёзиш учун асос бўлиб, ўқув дастури ҳисобланади. Дастурда, касбларга мос равишдаги билимларни эгаллаш бўйича мақсад ва вазифалар, ўқувчиларда миллий истиклол ғоясини ва илмий дунёқарашини шакллантириш масалалари ёритилган бўлади, уларнинг ёши ва билиш имкониятлари, объектив дунёнинг ходисалари ўртасидаги табиий боғлиқликларни акс эттирадиган ўқув предметларнинг ўзаро алоқадорлигини зарурлиги ҳисобга олинган.

Шунинг учун ҳам, фақатгина дарслик ёзилганда ўқув предметнинг мазмуни етарлича тўлиқ ва объектив ёритилиши мумкин. Дарсликни яратишда боблар ва бўлимларнинг ички бир бутунлигига эришиш муҳим, уларнинг ҳар бири, билимлар тизимида маълум бир якунланган даражага эга бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг назарда тутиш лозимки, ҳар бир параграфда берилган материал битта машғулот давомида ўзлаштирилиши керак. Материал шундай жойлашиши керакки, ҳар бир параграф олдингисига таянган бўлиши ва ўзи ҳам, ўз навбатида кейингиси учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида умумтаълим ва касбий фанларни бир вақтда ўргатилиши, касбий фанлар бўйича дарсликларда ўқув материални баён қилишнинг илмий даражасини оширишга, хусусан, уни математик асослашга, физик-техникавий жараёнларни тушунтиришга ундайди. Лекин, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим ўқув муассасалари учун касбий фанлар бўйича дарсликларни, олий ўқув юртлари учун яратилган дарсликларга яқинлаштириб ёзишдан сақланиш керак.

Ҳар бир алоҳида ҳолатда, таълим мазмуни назарий тушуниб етиш бирлиги тўғрисидаги масала, кичик мутахассисни ўқув касбий тавсифи, ишлаб чиқариш фаолиятини мазмуний таҳлили ва ушбу фаолиятни яқин йиллар ичида ўзгариш прогнози ҳисобга олиниши зарур.

Касбий фанлар бўйича дарсликларнинг материаллари кўпроқ тушунтирувчи характерга эга бўлгани маъқул. Шунда, улар мустақил ишлаш учун қулай бўлади. Материалнинг тушунтирувчи ва ахборот хусусиятлари нисбатига онгли ёндашиш, дарсликнинг самарали ва ўзлаштириш даражаси юқори бўлишини таъминлайди. Агар ахборот характердаги маълумотлар кўп бўлса, дарсликнинг материаллари тушунишга эмас балки эслаб қолишга ундайди.

Ўқув материални муаммоли баён қилиш, уни ахборот сифатида билдиришдан анча фарқ қилади. Асосий фарқ шундан иборатки, дарсликнинг муаллифи, муаммоли баён қилиш пайтида, фаннинг (қонунлар, қоидалар, физик жараёнларнинг), техниканинг (аппаратлар машиналарнинг конструкциялари ва ҳаракат принциплари, технологияларининг новаторлик мукамаллигини) якуний натижаларини бирданига ёритмасдан, уларни очиш йўллари тиклайди, натижада ўқувчиларни илмий-техник изланишнинг иштирокчиси бўлишга чорлайди.

Педагогик тадқиқотлар шунинг аниқ кўрсатадигани, материални муаммоли баён



қилиш анча ишонarli, илмий бўлиб, диалектик фикр юритишни ўргатади ва шубҳасиз, ўқишга қизиқиш уйғотади.

Барча ўқув муассасалари учун ёзилган дарсликларнинг матнларига қўйиладиган умумий талаб уни баён қилишни илмийлиги яъни берилаётган маълумотларни фан, техника, технологияларнинг замонавий даражасига мос келиши ҳисобланади.

Дарслик яратишда ўқув материални баён қилиш услуби ва тили ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, асосий талаб ёзилаётган матндаги фикр раво тилда ёзилиши, лўнда ва тушунарли бўлиши лозим. Бундай сифатларнинг бўлмаслигини, дарсликнинг бошқа афзалликлари ҳам тўлдиролмайди.

Дарсликнинг матнидан ташқари компонентлари ичида, бизнинг фикримизча, иллюстрация материаллари ҳам муҳим рол ўйнайди.

Дарсликда келтирилган расм ҳам, ўқитиши ва ўргатиши шарт!

Дарсликдаги расм нафақат матннинг иллюстрацияси ҳисобланади, балки фойдали мустақил билим манбаидир. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, ҳар қандай расм ўзида маълум бир функцияларни мужассамлаштиради, у иллюстрацияларга нисбатан қизиқишни ва улардан иложи борича кўпроқ ахборотни билиб олиш иштиёқини шакллантиради. Расмни, рангли безашга ўйлаб ёндашиш зарурдир. Агар, тасвир қилинаётган муҳим элементларни турли рангларда ажратилса, расмни ўрганиш анча енгил кўчади. Расмда жойлаштириладиган ҳолатларни доимо қабъий кетма-кетликда (масалан, бир хилларини харфлар, бошқаларини рақамлар билан) белгилаш лозим. Расмни кам фойдали тасвирга айланишига йўл қўймаслик керак.

Касб-ҳунар таълими бўйича дарсликлар яратиш борасида катта тажриба орттирилган, албатта, шу билан бирга, ҳозирги вақтда пайдо бўлган янги талабларга мос келадиган дарсликлар яратиш давр тақозосидир. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистоннинг ёшларини етук ва рақобатбардош мутахассислар қилиб тайёрлаб бериш бугун бизнинг олдимизга қўйилган долзарб масаладир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гуломов С., Назиров Э., Халилов Н. Ўқув адабиётини яратиш ва уни баҳолаш мезонлари. Тошкент, Меҳнат. 1998
2. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. "Шарқ" матбаа концерни. Тошкент, 1998
3. Б. Зиёмуҳаммедов Таълим технологиялари (методик қўлланма) Тошкент-2012
4. Алламурадов Ш.И. Касб-ҳунар таълими журнали Тошкент-2004
5. Касбий фанлар методикаси илмий-методик журнал Тошкент-2020